



ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ВА ИМКОНияТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль куни ёқилғи-энергетика тармоғидаги келгусидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари сўнгги ўн йилда энергетика соҳасида кенг қўлмали ислохотлар амалда оширилганини таъкидлади. Соҳага хусусий сектор ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилди.

Натижада энергетика тармоғига 23 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилди, жойларда умумий қуввати 9,5 гигаватт бўлган электр станциялари ишга туширилди. Электр ва газ тармоқлари, подстанциялар, трансформаторлар ҳамда газ тақсимлаш қурилмаларини янгилашга 30 триллион сўм йўналтирилди.

Шу билан бирга, яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, тизимни бошқариш, жойларда талаб ва ижро интизомини таъминлаш бўйича жиддий камчиликлар сақланиб қолаётганини кўрсатиб ўтилди.

— Очiq айтиш керак. Энергетикада муаммо маблагда эмас, чунки қанча керак бўлса, топиб бераймиз. Муаммо тизимнинг бошқарувида, — деди Президент.

Айрим ҳудудларда инфратузилма деярли бир хил бўлса-да, электр ва газ таъминоти сифати кескин фарқ қилиши қайд этилди. Бу, аввало, раҳбарларнинг талаби,

назорати ва шахсий масъулияти турлича экани билан изоҳланди.

Жорий йилнинг июнь-июль ойларида электр тармоқларида 4 мингга яқин авария содир бўлган. Оқибатда айрим ҳудудларда аҳоли ва тадбиркорлар 8-10 соатгача электрсиз қолган. Айни пайтда қўллаб ҳудудларда истеъмолнинг ўсиши ва инфратузилмага тушадиган юклама олдиндан ҳисобга олинмаган.

Тармоқдаги электр энергияси йўқотишлари 17,2 фоизни ташкил этмоқда. Ўтган олти ойда 4,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси йўқотилган.

АСКУЭ ва АСКУТ тизимлари жорий қилинганга қарамай, юз минглаб электр ва газ ҳисоблагичлари марказлашган тизимга маълумот узатмаётгани кўрсатиб ўтилди. Бу истеъмолни тўғри ҳисобга олиш, йўқотишлар ва дебитор қарздорликни камайтиришга тўқсинлик қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари энергетика тизимидаги ҳар бир раҳбарнинг иши, энг аввало, одамларнинг кундалик ҳаётида ва тадбиркорлик фаолиятида сезилиши кераклигини таъкидлади.

Тизимдаги жиддий камчиликлар учун энергетика вазири ва “Худудий электр

тармоқлари” раҳбари лавозимидан озод этилди. “Миллий электр тармоқлари”, “Ис-сиқлик электр станциялари”, “Ўзтрансгаз” ва “Худудгазтаъминот” раҳбарларига йил якунигача синов муддати белгиланди.

Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” ва “Ўзэнергоспекция”нинг янги раҳбарлари бугундан янгича иш услубини жорий қилиши шартлиги қайд этилди.

Йиғилишда электр ва газ таъминоти билан боғлиқ ишларни “туманбай” ва “маҳаллабай” ташкил этиш бўйича янги тизим белгилаб берилди. Ҳар бир ҳудуднинг аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва ижтимоий объектлар кесимида энергия истеъмоли баланси шакллантирилади.

Қайси маҳаллада тармоқ, трансформатор ёки газ тақсимлаш қурилмасини янгилаш зарурлиги аниқ белгиланади. Аварияларни камайтириш, ҳисоблагичларни ягона тизимга улаш, энергия йўқотишлари ва қарздорликни кескин қисқартириш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқилади.

➤ Давоми 2-бетда

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Таваллуд куним муносабати билан чин дилдан табриклар, самимий қутловлар ва эзгу тилақларини йўллаган давлат ва ҳукумат бошлиқларига, хорижий сиёсат ва жамоат арбоблари, ишбилармон доиралар вакилларига, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, нурунийлар, ёшлар, хотин-қизлар ва тадбиркорларга, турли касб эгалари бўлган барча ватандошларимизга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Менинг шаънимга билдирилган бу табрик ва тилақларни, аввало, кўп миллатли халқимиз ва давлатимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси, Янги Ўзбекистоннинг дунё миқёсида ортиб бораётган обрў-эътибори ва нуфузининг эътирофи сифатида қабул қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, бағрикенг ва олийжаноб халқимизга яна бир бор чин дилдан ўзимнинг чексиз меҳрим ва ҳурматини билдираман.

Жонажон Ватанимизда эркин ва фаровон, обод ҳаёт қуришга қаратилган ислохотларимизни қўллаб-қувватлаб, уларда фаол иштирок этаётган кўп миллатли халқимизнинг ақл-заковати ва фидокорона меҳнати билан олдимизга қўйган юксак ва шарафли мақсадларга албатта эришамиз деб ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГИ ТОШКЕНТДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент шаҳрида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекциясида бўлди. Бу ерда шаҳарнинг кенг қўлмали макети ва рақамли харитаси асосида қурилишларнинг умумий бориши, йирик объектларнинг ўзаро жойлашуви ҳамда навбатдаги бунёдкорлик режалари ҳақида ахборот берилди.

Транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини қурилишлар билан уйғун ривожлантириш, яшил ҳудудлар ва жамоат маконларини ўзаро боғлаш, Янги Тошкентни пойтахтнинг амалдаги ҳудуди билан узвий боғлаш масалалари кўриб чиқилди. Барча лойиҳаларни яхлит шаҳарсозлик концепцияси асосида, юқори сифат ва меъморий уйғунлиқни таъминлаган ҳолда амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шундан сўнг Президент Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетининг Янги Тошкентда барпо этилаётган кампусини кўздан кечирди.

Мажмуа Янги Тошкент қурилишининг биринчи босқичи доирасида бунёд этилмоқда. Айни пайтда ректорат ва айрим факультетлар биноларида якуний қурилиш ва пардозлаш ишлари олиб борилаётган.

Давлатимиз раҳбари биноларнинг ички маконлари, ўқув ва маъмурий хоналарнинг жойлашуви, муҳандислик тармоқлари ҳамда ҳудудни ободонлаштириш ишлари билан танишди. Мутасаддилар қурилишнинг бориши, биноларни жиҳозлаш ва кампусни фойдаланишга тайёрлаш чоралари ҳақида ахборот берди.

Янги кампус таркибида ўқув бинолари, илмий лабораториялар, ахборот-ресурс маркази, электрон кутубхона, талабалар турар жойлари, спорт ва маданият иншоотлари бўлади. Бу ерда таълим, илмий-тадқиқот ва талабалар ҳаётини бир маконда уйғунлаштирган яхлит муҳит яратилади.

Университетда халқаро таълим стандартларини босқичма-босқич жорий этиш, бошқарув тизимини “Янги Ўзбекистон” университети тажрибаси асосида трансформация қилиш режалаштирилган. Ўқув жараёнларини замонавий рақамли платформалар орқали бошқариш кўзда тутилган.

➤ Давоми 2-бетда

ПУБЛИЦИСТИК ТАФАККУР ҚУДРАТИ



Одам — кечаги ноқулайликлару қийинчиликларни бир зумда унутиб, бугунги қулайликларга тез кўникадиган яратиқ. Бу хусусият инсон ҳаётига ҳам, жамият тафаккурига ҳам хос. Таниқли олим, машҳур публицист, давлат ва жамоат арбоби Қудратилла Рафиқовнинг “МИЛЛАТ ШАВКАТИ” китоби — фикр аҳлини ана шу нуқсондан қутулиб, одамлар ва бутун жамият ҳаётида ўз бераётган ижобий жиҳатларни пайқашга, уларнинг пайдо бўлишига сабабчи шахсиятлар меҳнатини қадрлашга чорлайдиган асар. Муаллиф жамиятда кечаётган ўзгаришларни мақташ, санаб ўтиш билангина чекланмайди. У зоҳирий воқеалар ортидаги маъноларни излайди, бир қарашда ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳодисалар ўртасидаги ички алоқани топади ва ўқирманни ҳам шу жараёнга жалб қилади.

Публицист билан воқеанавис ўртасида фарқ бор. Воқеанавис воқеани сўзлаб беради. Публицист эса нима учун шундай бўлгани, унинг ортида қандай қонуният тургани ва у жамият ҳаётида нима-ни ўзгартираётганини англашга ҳаракат қилади.

Қудратилла Рафиқов мақолаларида ана шундай теран таҳлилий нигоҳ яққол кўзга ташланиб туради. У мамлакатимиз ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида ёзар экан, воқеанинг ташқи манзараси билан қиёвланмайди. У ҳар бир бунёдкорлик ортида тафаккурдаги ўзгариш, ҳар бир дипломатик

қадам ортида тарихий хотира, ҳар бир ютуқ ортида миллатнинг ўзига бўлган қатъий ишончини кўради.

Китоб сарлавҳасига кўчган “МИЛЛАТ ШАВКАТИ” номли мақола ана шундай фикрлаш усулининг ёрқин намунаси десам, асло адашмайман.

➤ Давоми 3-бетда



Нуқтаи назар

Давлатимиз раҳбари раислигида 21 июль куни ҳудуд ва тармоқларда ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ва йил якунигача амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Гарчи йиғилиш кун тартибидан иқтисодий ўсиш суръатлари, инвестиция, экспорт, энергетика, банклар ва ҳудудлар фаолияти билан боғлиқ масалалар ўрин олган бўлса-да, муҳокамаларнинг туб моҳияти анча кенг эди. Чунки ҳар бир иқтисодий кўрсаткич ортида инсон қадрини улуғлаш, оилалар даромадини ошириш, жамият фаровонлигини таъминлаш, юртдаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда халқни рози қилишдек эзгу мақсадлар туради.

ЭНГ ИШОНЧЛИ МЕЗОН — ХАЛҚ ҲАЁТИДА ЯРАТИЛГАН НАТИЖА

Йиғилишда таҳлил қилинган рақамлар иқтисодиётда жадал ҳаракат, изчил ўсиш ва янги имкониятлар шаклланаётганини яққол намоён этди. Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт 8,5 фоиз ўсди. Саноатда 8 фоиз, хизматлар соҳасида 16,9 фоиз, қурилишда 13,8 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,7 фоизли ўсиш таъминланди. Инвестиция ҳажми 28 миллиард долларга, экспорт кўрсаткичи 14,4 миллиард долларга етди. “Fitch” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингини бир погонга яхшилади.

Бироқ иқтисодий ўсишнинг ҳақиқий қиймати унинг инсон ҳаётида қандай

ўзгариш яратгани билан белгиланади. Рақамлар одамлар даромадида, муносиб иш ўринларида, тадбиркорнинг енгиллашган оғирда, обод маҳаллада ва аҳолининг эртанги кунга ишончида ифодасини топонандагина кўзланган мақсадга хизмат қилади. Шу маънода, мазкур йиғилиш иқтисодий натижалар таҳлили билан бирга бугунги раҳбар кадрларнинг тафаккури, масъулияти ва берилган имконият-ни халқ розилигига айлантира олиш қобилиятига қўйилган юксак талабнинг ҳам амалий ифодаси бўлди.

➤ Давоми 5-бетда

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ВА ИМКОНияТлардан САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Бу борада Янгийўл туманида намунавий тизим яратиш вазифаси қўйилди. Тумандаги 51 та маҳаллада аҳоли ва тадбиркорларнинг электр ҳамда газга бўлган ойлик, чораклик ва йиллик эҳтиёжи тўлиқ ўрганилади.

Зарур инфратузилма, таъмирлаш ишлари ва уларни молиялаштириш манбалари аниқ режа асосида белгиланади. Барча ишлар 1 октябрғача якунланиб, Янгийўл электр ва газ таъминоти бўйича намунавий туманга айлантйрилади.

Ушбу тажриба кейинчалик республиканинг барча туман ва шаҳарларига татбиқ этилади. Энергетика тизими раҳбарлари ҳудудлардаги энг оғир туманларга бириктирилиб, ишларни маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ташкил қилади.

Энергетика тармоғида рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Энергетика вазирлиги тарқидида Ёқилги-энергетика тармоғини рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий этиш маркази ташкил этилади. Марказ “ишлаб чиқариш — узатиш — тақсимлаш — етказиш” занжирини

тўлиқ таҳлил қилиб, соҳани ривожлантиришнинг муқобил сценарийларини ишлаб чиқади. АСКУЭ ва АСКУГ маълумотлари сунъий интеллект асосида таҳлил қилиниб, шубҳали истеъмол, йўқотиш ва қарздорлик ҳолатларини автоматик аниқлайдиган платформа ишга туширилади.

Шунингдек, тармоқдаги ҳар бир раҳбар ва ходим фаолияти аниқ натижа кўрсаткичлари асосида баҳоланади. Бунда авариявий ва режали узилишлар, йўқотишлар, дебитор қарздорлик, қувватлар резерви ҳамда таъмирлаш дастурларининг бажарилиши асосий мезон бўлади.

Ингилишда куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама қилиниди. Ҳозир табиий газ етказиб бериш қийин бўлган 1 минг 916 та маҳалла мавжуд.

Ушбу ҳудудлардаги хонадонларнинг иситиш тизимини барқарорлаштириш, электр инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва қўшимча энергияга бўлган эҳтиёжини таъминлаш бўйича аниқ ҳисоб-китоблар тайёрланади. Биринчи навбатда молиялаштириш талаб этиладиган маҳаллар бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилади.

Бугунги кунда 3 миллион 700 минг хонадон суюлтирилган газдан фойдаланади.

Тизим рақамлаштирилиб, тартибга келтирилган бўлса-да, газни ўз вақтида ва қафолатли етказиб бериш масаласи тўлиқ ҳал этилмагани қайд этилди.

Суюлтирилган газ таъминотиға хусусий секторни кенг жалб қилиш вазифаси қўйилди. Бу борада дастлаб Андижон вилоятида янги тажриба жорий этилади.

Тадбиркорларға ўзи импорт қилган ёки биржадан харид қилган суюлтирилган газни аҳоли ва бизнес субъектларига етказиб бериш имконияти яратилади. Ижтимоий реестрга киритилган оилаларға эса суюлтирилган газ хариди учун субсидия берилади.

Йил якунигача бу борада “Андижон тажрибаси” яратилиб, кейинчалик бошқа ҳудудларға татбиқ этилади.

Суюлтирилган газ ишлаб чиқаришини йил якунигача режадаги 520 минг тонна ўрнига 606 минг тоннага етказиш белгиланади.

Шунингдек, хонадонларнинг реал эҳтиёжидан келиб чиқиб, газ баллонлари ҳамини табақалаштириш тақилиф қилиниди. Суюлтирилган газни ташииш, сақлаш ва тарқатиш тизими хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартлар асосида қайта қўриб чиқилади.

Давлатимиз раҳбари энергетика соҳаси учун замонавий билим ва кўникмаларға эга

кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида тўхтади.

Ҳозир 25 та техника олийгоҳида энергетика йўналишида йилгига 5,5 минг мутахассис тайёрланмоқда. Бироқ таълим амалиёт билан етарлича боғланмагани сабабли битирувчининг ишга киришиб кетишига 2-3 йил вақт кетмоқда.

Шу муносабат билан олий таълим муассасаларидаги ёқилги-энергетика йўналишлари бўйича таълим дастурларини тўлиқ янгиллаш, лаборатория ва полигонлари замонавий талабларға мослаштириш топирилади.

Янги ўқув йилидан 3-курс талабаларининг ярми, 4-курс талабаларининг барчаси дуал таълимға қамраб олинади. Қуёш ва шамол генераторлари, электр зарядлаш ускуналари ҳамда бошқа янги технологиялар бўйича мутахассислар тайёрлашға устувор аҳамият қаратилади.

Ингилиш якунида белгиланган вазифаларни қисқа муддатларда ва сифатли амалға ошириш, тармоқда ижро интизоми ҳамда шахсий масъулиятни тубдан қучайтириш бўйича мутасаддиларға аниқ топшириқлар берилди.

ЎЗА

ҚОНЛИҚЎЛ ТУМАНИ ТИББИЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Юртимизда солиққни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолиға сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва замонавий тиббиётни ривожлантириш мақсадида қатор давлат дастурлари қабул қилиниди. Бу ислохотлар Қорақалпоғистоннинг Қонлиқўл туманида ҳам тиббиёт соҳасининг ривожланишиға катта туртки берди.

Мазкур туман тиббиёт бирлашмасида 136 ўринға эга шифохона, 1 та кўп тармоқли ва 4 та оилавий поликлиника, 4 та оилавий шифокорлик пункти, шунингдек, 10 та тиббиёт пункти аҳолиға хизмат кўрсатиб келади.

Очили, авваллари қишлоқ ва чекка ҳудудларда тиббий хизмат сифати мутлақо қониқарсиз эди. Айниқса, замонавий диагностика аппаратлари, малакали шифокорлар ва тез тиббий ёрдам хизмати билан боғлиқ муаммолар кўпчилиқни қийнаб келди. Давлат дастурлари доирасида ана шу муаммолар босқичма-босқич ҳал этила бошлади.

Қонлиқўл туманида ҳам тиббиёт муассасалари реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси мустаҳкамлаб борилди. Туман марказий шифохонаси, оилавий поликлиникалар ва тиббиёт пунктлари таъмирланиб, аҳоли учун замонавий ва қўлай шароит яратилди. Қабул бўлимлари, палаталар ва лабораториялар янгиланди.

— Хусусан, 2021 йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан бирлашма даволаш бўлимлари, Жайхун оилавий шифокорлик пункти таъмирдан чиқарилди. 2022 йилда бирлашманинг юқумли касалликлар ва тез ёрдам бўлимлари, Бешкўпир, Қўламет жиров, Қонлиқўл оилавий шифокорлик пунктлари ҳам кенг қўламада таъмирланди. 2023 йили эса туман тиббиёт бирлашмаси биноси ва 8 та тиббиёт пунктида ҳудди шундай созулаш-тиклаш ишлари бажарилди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Дариға Бекбергенова. — Кейинги йилда “Ташаббусли бюджет” дастури асосида “Сари олтин” ОФЙ ҳудудида тез ёрдам шохобчасининг янги биноси қурилиб, фойдаланишға топширилди. 2025 йили эса бирлашма ҳузурида Emergency department бўлими янги биноси бунёд этилди. Шунингдек, ички дорихона ва лаборатория бўлимлари ҳам таъмирланган. 2026 йилда халқаро ташкилотларнинг грант маблағлари асосида болалар дам олиш ва физиотерапия хонаси ташкил этилди.

Рақамлаштиришни жадаллаштириш мақсадида 2025 йилнинг ўзида бирлашма кўпла компьютер, планшет, телевизор, роутер, инфокорлик, турли имкониятга эга принтер қабилар билан таъминланган. Бу жараён келгуси йилларда ҳам давом эттирилади. Жўмладан, барча тиббиёт муассасаларини ягона электрон тизимға улаш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, мобил тиббиёт иловаларини кўпайтириш ва фуқаролар учун онлайн хизматлари ривожлантириш мақсад қилинган.

Тиббиётда кадрлар масаласи кун тартибдан тушмайди. Малакали шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларисиз аҳолиға сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мумкин эмаслиғи кундек

бирлашмасининг ташкилий-методик бўлими мудири Генжегул Заретдинова. — Хусусан, тиббиёт институтининг 6-курс битирувчилари, клиник ординаторлар ва магистрлар тўлиқ ставкада ишға жойлаштирилди. Мунтазам равишда малака ошириш курслари, семинарлар, амалий тренинглар, онлайн дарслар ташкил этилди. Шунингдек, қўлаб тиббиёт ходимлари Нукус шаҳридаги тиббиёт марказлари, республика ихтисослаштирилган клиникалари, малака ошириш институтларида тажриба ошириб келяпти. Очили, илгари туманимизда кардиолог, эндокринолог, невролог, реаниматолог, педиатр каби мутахассислар етишмасди. Энди бундай

Бирлашмадаги 136 ўринли стационарда ўтган йили қарийб 5000 га яқин бемор даволалиб, саломатлиғини тиклади. Бу кўрсаткич тиббиёт ишларида аҳолиға тиббий хизмат қамрови кенгайиб, даволаш сифати тобора яхшиланаётганини кўрсатади.

Шифо топганларнинг 363 нафариде жароҳлик амалиёти ўтказилди. Хусусан, 67 беморда юқори технологик операциялар бажарилгани тиббиёт соҳасидаги муҳим ютуқлардан бўлди. Чунки бундай операциялар замонавий тиббий ускуналар, юқори малакали мутахассислар ва илғор технологияларни талаб этади. Илгари бундай мураккаб операцияларни фақат республика ихтисослаштирилган марказларида бажариш мумкин эди. Ҳозир маҳаллий шароитда ҳам бундай имконият мавжуд. Шунингдек, “Мастер-класс” дастури асосида республика даражасидаги малакали мутахассислар иштирокида 26 фуқарода мураккаб операция муваффақиятли ўтказилди. Бу нафақат беморлар саломатлиғини тиклаш, балки маҳаллий шифокорлар малакаси ва тажрибасини ошириш, янги жароҳлик усулларини ўрганишда ҳам қўл келади.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН РЕЗОЛЮЦИЯНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



БМТга аъзо 61 та давлат мазкур резолюцияға ҳаммуаллиф бўлди ва улар дунёнинг барча минтақаларини қамраб олган. Бу Ўзбекистоннинг ижтимоий кун тартибини илгари суриш ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлар ролини мустаҳкамлашға оид ташаббуси халқаро майдонда кенг қўлаб-қувватланаётганини ифода этади.

Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Улўғбек Лапасов мазкур ташаббус Президент Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизнинг глобал ижтимоий тараққиёт кун тартибини илгари суриш ҳамда ҳалқароликнинг парламент ўлчовини мустаҳкамлашға қўшган амалий ҳиссаси сифатида тақдир қилинган тазкилади.

Резолюцияда 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг миллий қонунчилиқни такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя тизимларини қучайтириш, камбағалликни қисқартириш, муносиб меҳнатни таъминлаш, сифатли таълимдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ижтимоий интеграцияни рағбатлантиришдаги ҳал қилувчи ўрни алоҳида эътироф этилган.

Хужжатда хотин-қизлар ва ёшларнинг парламент фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий тараққиёт манфаатлари йўлида рақамли трансформация имкониятларидан самарали фойдаланиш, халқаро ҳамкорликни қучайтириш ҳамда ривожланаётган мамлакатларни қўлаб-қувватлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, Тошкентда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеяси муваффақиятли ўтказилгани ва ижтимоий

ЎЗА



Саломатлик — эл бойлиги

Мамлакатимизда давлат тиббий сугуртаси тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда ва уни 2026 йил якуниға қадар республика бўйлаб тўлиқ амалда қўллаш режалаштирилган. Сугурта доирасида кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситалари учун аҳолидан қўшимча тўлов ундирилмаслиғи кўзда тутилган.



равшан. Шу боис, кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва иш шароитини яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилляпти.

— Бирлашмамизда 866 хонадон ишлайди. Улар олий, биринчи ва иккинчи тоифали шифокорлар, ўрта бўғин тиббиёт ходимлари, олий тоифали, биринчи ва иккинчи тоифали кичик тиббиёт ходимларидан иборат. Аввалги йилларда туманимизда айрим ихтисосликдаги шифокорлар етишмаслиғи, тажрибали мутахассисларни бир жойда сақлаб қолиш каби муаммолар бор эди. Уларни ҳал этишда сўнги беш йилда қатор чора-тадбирлар қўрилди, — дейди Қонлиқўл тумани тиббиёт

мутахассисларни тайёрлаш ва туманға жалб қилиш натижасида аҳолиға кўрсатилаётган тиббий хизмат турлари кенгайди. Қўлаб тиббий хизматлар туманининг ўзида кўрсатиляпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 сентябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида фаолият юритаётган шифокорлар ойлик иш ҳақига қўшимча ҳар ойлик устам тўланадиган олис ва чекка ҳудудлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида бирлашмада олис ҳудудға киритилган Жайхун маҳалласидаги оилавий шифокорлик пункти ва “Сари олтин” ОФЙ ҳудудидаги 16-оилавий поликлиникада ишловчи 7 шифокорға ойлик устам тўлаб келинмоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этишға оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий хизматлар тизимини жорий этиш, тиббий сугурта орқали аҳолиға молиявий енгиллик яратиш ва солиқни сақлаш тизими самарадорлиғини оширишға қаратилган янги механизмлар бирлашмада босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда.

Касалликларни эрта босқичда аниқлаш мақсадида 18 ёшгача бўлган болалар ва ёшлар ўртасида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилмоқда. 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли ўртасида турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида скрининг қўриқлари режа асосида ўтказилмоқда. Аниқланган касалликлар бўйича беморлар туман, вилоят, республика даражасида амбулатор ва стационар шароитларда даволанмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ФЕРМЕРЛАР МАНФААТИ ВА ЭРКИНЛИГИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНЯПТИ?

Қишлоқ хўжалиги

Бирор соҳадаги ислохот ҳақида гап борганида, албатта, унинг натижаси кутилади. Айниқса, ўша соҳа йиллар давомида эскича тизимда ишлаган, барча ҳаракатларга қарамай, энг паст кўрсаткич қайд этилган тармоқ бўлса. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги айнан шундай — шиддатли ислохотлар сабаб аввал меҳнатнинг самараси деярли кўринмаган эскича тизимдан қисқа вақтда рақамлашган, илм-фанга асосланган илғор механизм шаклланди.

Йиллар давомида қора терга ботиб, энг кам ҳосил оладиган, маҳсулотини кимларгадир топширишга мажбур бўладиган деҳқонлар ўрнини эса бугун замонавий аграр тармоқ вакиллари, катта ер ва даромадга эга тадбиркорлар, фермерлар эгаллади. Соҳада ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, бозор механизмлари кенг жорий этилди. Янгича ёндашувлар натижасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги босқичма-босқич маъмурий бошқарувдан иқтисодий эркинлик ва рақобат муҳитига ўтмоқда. Асосийси, фермерлар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Соҳадаги ислохотлар самарасини хорижий наشرлар ҳам эътироф этиб, бот-бот мақолалар эълон қилаётгани боиси шунда. Хусусан, Покистоннинг “Diplomatic News Agency”, “Islamabad Post” нашрлари, “Associated Press Of Pakistan” ахборот агентлиги хабарларида Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигини такомиллаштириш борасидаги ислохотлари ҳақида сўз боради. Агентлик Ўзбекистонда соҳани рақамлаштириш орқали қишлоқ хўжалиги ерларини ажратишда шаффоф механизм йўлга қўйилиб, фермерларга электрон шаклда аукцион орқали ерни эркин сотиб олиш имконияти яратилгани, улар ижарага олинган ерларга экинларни мустақил жойлаштириш, етиштирган маҳсулотига харидорни мустақил танлаш, харажатларни камайтириш орқали юқори ҳосил олиб, даромадини ошириши, фаолиятини биргаликда юритиш учун кооперативларга бириктириш имкониятлари жорий этилганини ёзди.

Испаниянинг “El Mundo Financiero” наشري эса “Янги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг янгиланган тизими фермерлар манфаатига хизмат қилмоқда” сарлавҳали мақола эълон қилди. Унда бугун Ўзбекистон фермерларига берилаётган имкониятлар, ҳатто уларнинг турли масалаларда фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини ҳисобга олиш механизми шакллантирилгани ҳақида сўз боради. Уларнинг муносабатлари ва тақдирлари асосида қонунчилик такомиллаштирилаётгани, фермерлар тизимида мулоқот қилишда сунъий интеллект жорий этилгани алоҳида тилга олинади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислох қилиш фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдан бошланган бежиз эмас. Чунки улар соҳанинг асосий иштирокчилари, тармоқни ривожлантирувчи куч саналади. Шу боис, кейинги йилларда соҳадаги янгича ёндашувлар бевосита фермерлар билан боғланади.

Бугунги фермер ерни бошқарувчи, бозорни тушунувчи, технологиядан фойдаланувчи ва ўз манфаатини ҳимоя қила оладиган замонавий тадбиркордир. Янги тизимнинг бош мақсади эса битта — фермернинг даромади, озиқ-овқат хавфсизлиги ва мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Бу борада аниқ ислохотлар кечатишти, натижада фермерлар манфаатдорлиги ҳам, уларнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси ҳам ошиб борапти.

Шундай ислохотларнинг муҳимлигини бири ер муносабатларини такомиллаштириш бўлди. Бу борада мутлақо янги тартиб жорий этилиб, қишлоқ хўжалиги ерларини ажратишда очиклик ва шаффофлик таъминланди, электрон аукцион тизими ишга туширилди. Бу фермерларга ердан фойдаланиш ҳуқуқини қонуний ва қафолатли асосда амалга ошириш имконини бермоқда.

Масалан, Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган фақат захирада турган ерларни ҳамма учун очик электрон аукцион савдолар орқали эркин сотиб олиш имконияти яратилди.

Фермерларнинг ижара ҳуқуқи қафолатлари Ер кодекси даражасида мустаҳкамланиб, ердан фойдаланувчининг ўз аризасига ёки суднинг қарорига асосан ижара ҳуқуқи бекор қилиниши тартиби белгиланди. Шунингдек, ерга бўлган ижара ҳуқуқини асоссиз бекор қилишга чекловлар ўрнатилди. Энди ерининг ижара муносабатлари томонлар келишуви ёки суд қарори асосида ҳал этилади. Бу ҳам фермернинг келажака ишончини мустаҳкамлайди.

Иккинчи муҳим ислохот — янги тизим бўйича фермерларга ижарага олган ерига экинларни мустақил жойлаштириш ҳуқуқи берилди. Президентимизнинг тегишли

фармони билан 2026 йил ҳосилидан бошлаб фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ўз ер участкаларида экиладиган экин турларини “Агропортал” (“Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформа) орқали мустақил равишда жойлаштиради. Бунда давлат органлари томонидан экинларни тўғридан тўғри белгилаш амалиёти бекор қилинди ва маълумотлар рақамли платформа орқали шаффоф юритилиши белгиланди. Рақамли платформалар орқали экинларни жойлаштириш амалиёти инсон омиллини камайтириб, қарор қабул қилиш жараёнини шаффофлаштирмоқда. Бу эса бозор талабидан келиб



чиққан ҳолда маҳсулот етиштиришга шараит яратяпти.

Учинчидан, фермерлар фаолияти эркинлигини таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилиб, давлат буюртмалари тизими қисқартирилди. Яъни пахта ва ғалла етиштиришда эркин бозор тамойилларига ўтиб бораёلمиз, бугун фермерлар харидорни мустақил танлаш имкониятига эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йилда қабул қилинган тегишли қарори билан давлат бошқаруви органлари, шу жумладан, барча даражадаги маҳаллий ҳокимликлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқоқли дон етиштиришда агротехник ресурслар билан таъминлаш, бугдойни сотиш жараёнилари, шартномалар тузиш, хўжаликларнинг дон тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи муаян корхоналарга бириктириш, республика ҳудудлари ўртасидаги ички ташувларга аралашуви қатъиян тақиқланган.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга кўра, бугунги кунда фермерлар биржа савдолари орқали шартнома тузиш, маҳсулотни эркин реализация қилиш ва даромадини мустақил бошқариш имкониятига эга бўлмоқда.

Маҳаллий амалдорлар фермерлар фаолиятига аралашса, уларга таҳдид ёки ҳақорат қилса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс асосида базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қиёқ бараваригача миқдорда жаримага тортилади.

Ҳозир фермерлар ҳар бир ҳудудда фаолият юритаётган кластерларнинг исалгани билан шартнома тузиш имкониятига эга. Биргина Қашқадарё вилоятида 15 та пахта-тўқимачилик кластери бор. Соҳадаги ушбу янги тизим хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган занжирни бирлаштириб, фермер хўжаликларининг даромадини оширишга хизмат қилмоқда. Хўжаликлар кластерлар билан ўзаро келишган ҳолда биржа савдоларида (фьючерс, форвард ва спот) шартнома тузиб фаолият юритяпти.

Тўртинчидан, замонавий технологиялар жорий этилиши фермерлар харажатларини



Зафар МУСТАФОҚУЛОВ, Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси ўринбосари

ланган. Бу борада сув тежовчи технологияларни қўллаш яхши самара берапти. Бундай технологиялар нархи арзон бўлмагани боис, давлат доимий равишда соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаётгани кўринади. Хусусан, сув тежайдиган ускуналар қийматининг 30-40 фоиз қисми, сарфланган электр энергияси тўловларининг 100 фоизи давлат томонидан қоплаб берилиши фермерлар манфаатдорлигини янада оширди.

Айни пайтда юртимизда жами 2,8 миллион гектар ерда, сўғориладиган экин майдонларининг 66 фоизиди сув тежовчи технологиялар жорий қилинган. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ҳамда қарори билан янгича ёндашув асосида сув ҳисобини юритишни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш кўзда тутилган. Эндиликда “Suv hisobi” ахборот платформаси орқали фойдаланилган сув миқдори аниқ ҳисобланади ва истеъмолчиларга электрон тарзда маълум қилинади.

Беиничидан, кооперация тизими жорий этилди ва бу ҳам соҳадаги энг катта ислохотлардан бири. Тизим фермерларга фаолиятини биргаликда юритиш учун бириктириш имкониятини яратди. Тизим “Қишлоқ хўжалиги



кооперативлари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган бўлиб, ҳозир мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг турли йўналишида миндан ортық қишлоқ хўжалиги кооперативи фаолият кўрсатмоқда.

Биргина пахтачилик йўналишида юртимиз бўйлаб 92 та қишлоқ хўжалиги кооперативи очилди. Ўтган йили ташкил этилган 72 та кооператив билан 765 та фермер хўжалиги ўртасида биржа савдолари орқали шартномалар тузилиб, улар томонидан 96 минг тонна пахта хомашёси тўғридан тўғри қишлоқ хўжалиги кооперативларига етказиб берилди.

Кооперативларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида ҳам аниқ механизм ишляпти. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили қабул қилинган тегишли фармони билан Ўзбекистон фермерлари кенгашига фермер, деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари манфаатларини қўллаб судга давлат божига тўламасдан даъво аризалари киритиш ҳамда фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари манфаатларини қўллаб суд муҳокамасининг исалган босқичида иштирок этиш, шунингдек, даъво аризалари билан бир қаторда апелляция, кассация, тафтиш тартибда шикоятлар, аризалар тақдим этиш ҳуқуқи берилди.

Айни тизим сабаб бугунга қадар фермерларнинг 8,4 миллиард сўм маблағи тежаб қолди. Давлат томонидан фермерларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминловчи бундай амалиёт дунёнинг бирорта давлати тажрибасида кузатилмади.

Олтинчидан, фермерлар қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар бўйича сиёсий мунозараларга жалб қилиниб, фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини ҳисобга олиш механизми жорий этилди. Қабул қилиш жараёниларида фермерларнинг иштироки кучайтирилди. Очик мулоқотлар, жамоатчилик муҳокамалари ва рақамли платформалар орқали фермерлар тақлиф ва ташаббуслар билдирмоқда. Ўзбекистон фермерлари кенгашининг “Fetmer minbati” телеграм гуруҳи орқали очик мулоқот тизими йўлга қўйилган.

Буларнинг бари қонунчилик ва соҳавий қарорларни ҳаётга яқинлаштиришга хизмат қилляпти. Жумладан, биргина Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 167 фермер депутат сифатида сайланиб, қонунчиликни такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда.

Жорий йилда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Қашқадарё, Сурхондарё, Жизжа ва Бухоро вилоятларида фермерлар билан жонли учрашувлар ўтказилиб, фикр ва тақлифлар тингланди. Мулоқотларда жами 156 та тақлиф келиб тушган бўлиб, айни пайтда уларнинг ечим бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Қолаверса, иктымол тармоқлар орқали доимий равишда муносабатлар қабул қилиниб, амалий ечимлари бериляпти.

Шунингдек, фермерлар фаолиятига кўмаклашиш ва қўлай шараит яратиш мақса-

дида сунъий интеллект асосида ишловчи ва фермерларга тезкор маслаҳатлар бериучи “Fetmer AI” телеграм боти ишлаб чиқилди. Бу орқали соҳада рақамли технологиялардан фойдаланиш янги босқичга ўтмоқда.

Тасаввур қилинг, тошкентлик Азиз ака отасидан мерос қолган уйни сотмоқчи. Бирок мулкка оид ҳужжатлар қачон расмийлаштирилгани ёки солиқ имтиёзлари муддати қачондан бошланганини аниқлаш учун бир неча идорага мурожаат қилишга мажбур. Ёки бухорлик Дилноза опа ўз номига қайси телефон рақами ва банк картаси бириктирилганини аниқ билмайди. Натижада бегона рақамлар ёки маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ хавотирлар туғилади. Ёхуд кечки пайт ёт рақамдан келган “чеғирма” ҳақидаги яна бир реклама хабари нафақат тинчликни бузади, балки шахсий маълумотлар қаердан тарқалгани ҳақида ҳам ўйлантдириб қўяди.

Кулайлик

**УШБУ МАҚОЛАНИ
КОРАКЛИК ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!**

Бундай ҳолатлар кўпчилик учун таниш. Уларнинг умумий сабаби эса бир хил: шахсий маълумотларга оид ахборот турли давлат органлари ва ташкилотларда тарқоқ ҳолда сакланади, фуқаро эса улар устидан тўлиқ ва қўлай назорат қилиш имкониятига эга эмас.

Бирок бу каби муаммолар аста-секин ўтмишга айланмоқда. Президентимизнинг 2026 йил 15 июлдаги “Аҳолига кўрсатилмаётган давлат хизматларини такомиллаштириш ҳамда фуқаролар учун қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори фуқаролар ҳар кун дуч келадиган, кичик-дек кўринса-да, ҳаёт сифатини пасаитирувчи ана шундай муаммоларга замонавий ва тизимли ечим яратяпти.

Кўпчиликка таниш ҳолат: ота-онадан мерос қолган уй-жойни ўз номига расмийлаштиришни иш, оила ташвишлари ёки бошқа сабаблар туфайли бир-икки ойга кечиктириб қўямиз. Илгари бундай ҳолат жарима қўлланилишига сабаб бўларди. Энди эса 2027 йил 1 январдан бошлаб тартиб ўзгаради. Агар мерос мулки ўз вақтида расмийлаштирилмаса, жарима эмас, балки кечиктирилган қунар сонига мутаносиб равишда давлат божини ундирилади. Мазкур ўзгаришнинг моҳияти шундаки, давлат фуқарони жазолашга эмас, балки ҳаётда учраб турадиган объектив ҳолатларни инобатга олган ҳолда адолатли ва қўлай ҳуқуқий тартибни таъминлашга устувор аҳамият қаратмоқда.

КУТИЛМАГАН РЕКЛАМА ҚўНҒИРОҚЛАРИ ЧЕКЛанади

Яна бир жиҳат. Уйни мерос ёки яқин қариндошдан ҳадя тариқасида олган бўлсангиз, уни сотишда солиқдан озод бўлиш муддати энди ўзи сизнинг номингизга давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ҳисобланади. Илгари бу борада ноаниқлик кўп эди, одамлар нотариус ва солиқ идораси орасида тушунтириш излаб юрарди.

Баъзан оила банкдан кредит олиш учун уйини гаровга қўяди, лекин шу уйда яшашда давом этади. Аммо расмий рўйхатдан ўтишда муаммо чиқарди — гаровга олувчининг розилиги керак бўларди. Энди бу қонда ҳам юмшатилади. Инсон шу уйда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши мумкин, фақат зарур бўлганда ундан чиқарилишга олдиндан рози бўлиши керак, холос. Оддий қилиб айтганда, кредит олган оила энди уй-жой ҳужжатлари туфайли иккиланиб қолмайди.

2026 йил 1 октябрдан бошлаб Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) яна бир қўлай электрон хизмат ишга туширилади. Энди фуқаролар уйдан чиқмаган ҳолда, оддий смартфон орқали ўз номидаги кўчмас мулк ёки автотранспорт воситасига гаров (тақий) қўйиш ёки уни бекор қилиш бўйича мурожаат юбориши мумкин бўлади. Энг муҳими, бунинг учун банкка ёки нотариал идорага бориш талаб этилмайди. Шахсни Face-ID технологияси орқали тасдиқлашнинг ўзи kifоя қилади. Шунингдек, ким сизнинг номингиздан фойдаланиб, телефон рақами ёки банк картаси очганини ҳам портал орқали кўрса бўлади. Бугун, афсуски, бировнинг номидан алдаб рақам очиб, шу орқали фирибгарлик қилиш

ҳоллари учраб туради. Энди фуқаронинг ўзи бунинг назорат қила олади.

Яна бир муҳим янгиллик. Нотариал ҳаракатлар ҳақида фуқароларни тезкор хабардор қилиш тизими жорий этилади. Энди нотариусда сизга дахлдор ҳужжат расмийлаштирилса, масалан, номингиздан ишончнома тасдиқланса, бу ҳақда ЯИДХП орқали дарҳол хабарнома оласиз. Бу эса фуқарога ҳар қандай шубҳали ёки рухсатсиз амалга оширилган ҳаракатдан ўз вақтида хабардор бўлиш ва зарур ҳуқуқий чораларни кўриш имконини беради. Натижада мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кучаяди, фирибгарлик ва бошқа ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш имкониятлари кенгайяди.

Айрим кишилар давлат хизмати учун тўлов қилаётганда воситачи тизимларга қўшимча фоиз тўлаб қўйганини сезмай ҳам қолади. 2026 йил 1 сентябргача ЯИДХП орқали виртуал тўлов картаси очиш, унга банк картангиздан пул ўтказиш ва давлат хизмати учун тўғридан тўғри шу қарга орқали тўлов қилиш имконияти яратилади. Яна ҳеч қандай воситачилик йиғимсиз. Агар хизмат кечиктирилса ёки асоссиз рад этилса, пулингиз автоматик равишда ўзингизга қайтади. Ортиқча ёзишма, аризалар энди керак эмас.

Вояга етмаган болалар ўз ҳуқуқини ҳимоялаш учун судга мурожаат қилса, улар давлат божидан бутунлай озод этилади.

Кўпчилик бундай муаммога дуч келган, яъни бир ҳужжатда исм-шариф бир хил ёзил-



ган бўлса, бошқа ҳужжатда бир-икки ҳарф фарқ қилиб қолади. Натижада оддий маълумотлар тафовути ҳам турли идораларга мурожаат қилиш, маълумотномалар йиғиш ва вақт сарфлашга олиб келади. Фамилия ёки исм расман ўзгарган тақдирда бу маълумотни тартибга солишда ўзингиз бориб етказилишигиз керак эди. 2026 йил 1 октябрдан бошлаб бунинг ериги қолмайди. Адлия органи маълумотни ўзгартирганда, бу хабар “электрон ҳукумат” тизими орқали автоматик тарзда бошқа давлат идораларига ҳам боради, уларнинг ўзи ҳужжатларини янгилайди. Сизга эса ЯИДХП орқали оддий хабарнома келади: “Маълумотларингиз янгиланди. Ҳужжатингизни янгилашингиз зарур”. Шу орқали ҳужжатлардаги маълумотлар бир хил сакланади ва кейинчалик ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинади.

Туңда номальум рақамдан келадиган қўнғироқлар, “чеғирма” ёки “ютуқ” ҳақидаги қуттилмаган хабарлар кўпчиликнинг жонига теккан. 2026 йил 1 ноябрдан бошлаб бундай

тартиб ўзгаради. Товар ёки хизматни реклама қилиш мақсадида телефон, SMS ёки электрон алоқа воситалари орқали мурожаат қилишдан олдин реклама тарқатувчи шахс фуқаронинг ёзма ёки электрон шаклдаги олдиндан берилган розилигини олиши шарт. Қонда оддий: розилик бўлмаса, реклама ҳам бўлмайди. Бу эса фуқароларни қуттилмаган реклама қўнғироқлари ва хабарларидан ишончлироқ ҳимоя қилади.

Бундан ташқари, соат 18:00 дан эртаси кунни соат 09:00 гача умуман телефон орқали реклама қўнғироқ ва хабарномаларни тарқатиш тақиқланади. Оддий қилиб айтганда, кечки овқат пайтида ёки ухлаш олдиндан ортиқча “реклама” қўнғироқлари энди сизни безовта қилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарорда инсоннинг кундалик ҳаётда тез-тез учрайдиган, майдадек туюлса-да, қўн вақт ва асаб талаб қиладиган муаммоларга аниқ ечимлар назарда тутилган. Меросни расмийлаштиришдаги кечикишлар, мулкка қўйилган тақиқлар ҳақида ўз вақтида хабардор бўлмастик, шахсий маълумотлар билан боғлиқ ноаниқликлар, қуттилмаган реклама қўнғироқлари ва хабарларининг ҳар бири бўйича аниқ ҳуқуқий механизм ва амалга ошириш муддати белгиланди.

Энг муҳими, бу қарор давлат хизматларини фуқаро учун янада содда, тезкор ва қўлай қилишга қаратилган. Чунки одамлар давлат ислохотларини, аввало, қонун матни орқали эмас, балки кундалик ҳаётда яратадиган амалий қулайликлар орқали ҳис қилади.

Азиз ака энди меросни осонроқ расмийлаштирилади. Дилноза опа ўз номидаги карталарини назорат қилади. Кечки соат тўққиздаги ортиқча қўнғироқ эса, умид қиламизки, тобора камайиб боради.

Ойбек ҚўШБОҚОВ,
Парламент тадқиқотлари институти бўлими бошлиғи,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Лувр, Эрмитаж, Британия музейи. Бу номларни эшитган ҳар бир киши тасодифан уларни ёдга олмайди: кўз олдида ноёб экспонатлар, буюк асарлар, мрамор заллардаги улугвор ҳайкаллар ва минг йиллик сирларни ўзида сақлаган ёдгорликлар жонланади. Аммо музей деганда фақат улар эмас, балки Самарқанднинг Афросиёби остида ухлаб ётган тарих ҳам, Темурийлар Тарихий зааларида нафас олаётган ўтмиш ҳам, Ислом цивилизацияси маркази ва янгиланган Имом Бухорий мажмуасида қайта тирилтирилган қўхна илм ҳам назарда тутилади.

Дунёдаги энг машҳур музейлар ҳар йили ўн миллионлаб меҳмонни жалб қилади ва бу рақамлар нафақат сайёҳлик, балки жамиятнинг маданий эҳтиёжини ҳам ақс эттиради. Масалан, Лувр музейи 2024 йилда 8,7 миллион сайёҳни қабул қилди, бу эса 2023 йилдаги 8,9 миллион кўрсаткичга яқин. Музейнинг энг юқори натижаси 2018 йилда қайд этилган бўлиб, ўшанда 10,2 миллион киши ташриф буюрган.

2024 йилги статистика музейнинг халқаро мавқеини ҳам яққол кўрсатади: ташриф буюрувчиларнинг 77 фоизи чет эллик сайёҳлар бўлиб, улардан энг кўпи — 13 фоизи АҚШ-дан, қолганлари эса асосан Италия, Буюк Британия, Германия ва Испаниядан келган. Яна бир муҳим жиҳат — уларнинг 41 фоизи 26 ёшдан кичик бўлиб, 66 фоизи музейга илк бор ташриф буюрганлардир. Бу эса музейнинг янги авлод ва янги аудиторияни жалб қилиш борасидаги салоҳиятидан далолат беради.

Бу рақамлар музей нафақат ўтмишнинг жонлантуруви маскан, балки бугунги авлод билан тарих ўртасидаги тирик алоқа воситаси эканини кўрсатади. Айнан шу жиҳат Ўзбекистон учун ҳам долзарб аҳамият касб этади, чунки юртимиз ўзини хос бой тарихий-маданий мерос ва музей инфратузилмасига эга.

Юртимиз музейлари ташрифлар динамикасига назар ташласак, сўнгги йилларда барқарор ўсиш кузатилади. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йилда пандемия туфайли энг паст кўрсаткич қайд этилган, яъни 1,5 миллион киши музейларга ташриф буюрган бўлса, 2021 йилда 5,1 миллионга, 2022 йилда эса 6,5 миллионга етган. 2023 йилда бир оз пасайиш бўлиб, 5,7 миллион, 2024 йилда 4,8 миллион киши музейларга кирган. Аммо 2025 йилда яна

сезиларли ўсиш кузатилди — мамлакат музейларига жами 6,1 миллион маҳаллий ва хорижлик меҳмон келган.

Ҳозир мамлакатимизда 138 та давлат музейи (филиаллари билан бирга) фаолият юритади, улардаги экспонатлар сони 2 миллиондан ошган. Энг кўп ташриф буюриладиган музейлар қаторида Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси, Регистон ансамбли, “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси таркибидаги Шон-шараф давлат музейи, Бухоро ва Хивадаги музей-қўриқхоналар етакчилик қилмоқда. Булар йилга юз минглаб, баъзилари миллиондан ортиқ ташриф буюрувчини қабул қилади. Шу билан бирга, ақсар минтақавий ва шаҳар музейлари, жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейи каби объектлар йиллик ташриф бўйича улардан анча орқда қолаётган эди. Бу эса айнан музейни маҳаллий аҳоли ва ёшларга янада фолроқ таъминлаш зарурлигини кўрсатади.

“Музейлараро 90 кун”

Оддий аҳоли, айниқса, ёшлар учун яқин ва таниш музейларнинг ҳали ҳам етарлича “кашф этилмай” қолаётгани “Музейлараро 90 кун” каби лойиҳалар зарурлигини яна бир бор асослайди. Айнан шу мақсадда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ушбу маънавий-маърифий экскурсиялар лойиҳаси йўлга қўйилди.

Режага кўра, жами 140 мингдан зиёд кишининг музейларга жалб этилиши кўзда тутилган. Лойиҳа уч ойлик даврни қамраб олади ва ҳар ой учун аниқ режа белгиланган. Бундан ташқари, умумий ўрта таълим мактаблари, олий ва касбий таълим

ташкилотлари билан биргаликда жами 708 та экскурсия ташкил этилиши режалаштирилган. Олий таълим тизимида бу жараён август билан тугамайди: сентябрь-октябрь ойларида ҳам “Мустақиллик соатлари” тарбиявий машғулотлари доирасида музейларга ташрифлар давом этади.

Лойиҳанинг дастлабки босқичи аллақачон натижалар бермоқда. Бугунги кунга қадар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг 316 та маҳалласидан 20 мингга яқин киши, 128 та умумий ўрта таълим мактабидан 15 мингдан зиёд ўқувчи, 24 та касбий таълим ташкилотидан 810 ўқувчи, 19 та олий таълим ташкилотидан қарийб 1800 талаба ва профессор-ўқитувчи турли тарихий масканларга экскурсияга жалб этилди.

Бу даврда энг кўп ташриф “Шаҳидлар хотираси” (12062 нафар) ва “Ғалаба боғи” (14003 нафар) ёдгорлик мажмуаларига тўғри келган бўлса, Темурийлар тарихи давлат музейига 8489, Ўзбекистон тарихи давлат музейига эса 5055 киши ташриф буюрган. Жами олганда, режалаштирилган 4 та музей ва ёдгорлик мажмуасига 40 мингга яқин

фўқаронинг келиши қисқа муддат ичида ўртача бир туман аҳолиси сонидан анча кўпроқ одамнинг тарих билан юзма-юз бўлгани демакдир.

Бу рақамларни янада яхшироқ тушуниш учун уларни мамлакат миқёсидаги йиллик кўрсаткичлар билан ёнма-ён қўйиб кўрайлик. Бутун мамлакат бўйича музейларга йиллик ташриф сўнгги йилларда 4,8-6,5 миллион орасида ўзгариб турган. Бу, албатта, катта рақам, аммо у юзлаб музейлар ва 365 кунга бўлингани учун битта оддий музейнинг “кундалик ҳаёти” кўпинча сокин ва бир неча ўн кишилиқ ташриф буюрувчилар билан ўтарди.

Бугун эса “Музейлараро 90 кун” лойиҳаси доирасида мақсад шунчаки йиллик рақамни “қўпайтириш” эмас — айнан ҳам ташриф буюриладиган, “унутилиб қолган” музейларга йўналтирилган ҳолда, аҳолини, ўқувчи ёшларни кўпроқ жалб этиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада оширишдир. Шу билан бирга, ушбу лойиҳа кечаги сокин статистикани бугунги жонли, фаол ва мақсадли ҳаракатга айлантирмоқда.

Таассурот ва кашфиёт билан

Гўзал ҚОДИРОВА, ўқитувчи:

— Тарих дарсларида биз кўпинча сана, воқеа ва шахсларни фақат дарслик орқали ўргатамиз, бу эса ўқувчилар учун баъзан қуруқ ва мавҳум туюлади. Музейга келиб, ўша даврни ҳақиқий буюмларини, ҳариталарини, қўлёмаларини кўргач, бола учун тарих бирдангина “жонланади”. Мен буни бугун ўқувчиларимнинг кўзларида кўрдим — улар экспонатлар олдида тўхтаб, савол беришни бошлади. Илгари ҳам айрим мактаблар ўз ташаббуси билан экскурсиялар уюштирган, лекин кўпинча бу тартибсиз, тасодифий эди — бир йили бор, иккинчи йили йўқ. “Музейлараро 90 кун” лойиҳасининг афзаллиги шундаки, у аниқ режа, аниқ муддат ва аниқ миқдордаги ўқувчиларни қамраб олади, яъни бу энди тасодифий ташаббус эмас, балки тизимли ёндашув. Бунини ўқитувчи сифатида жуда қадрлайман, чунки энди режалаштириш ҳам осонлашди.

Жаҳонгир РОЗИҚОВ, талаба:

— Кўпгина залларда интерактив экранлар ва сенсорли панеллар мавжуд. Уларда экспонат ҳақида қўшимча маълумот, ҳариталар, ҳатто 3D реконструкцияларни кўриш мумкин. Бир залда эса сунъий интеллект асосида ишлайдиган виртуал гач билан танишдик. Ундан “Бу ҳукмдор қачон яшаган?” ёки “Бу буюм қаердан топилган?” деб сўрасангиз, дарров жавоб беради. Бу мени ҳайратга солди. Чунки мен буни фақат хорижнинг йирик музейларида, интернетда кўрган эдим, энди эса у ўзимизда ҳам бор.

Ростини айтсам, мен учун музей “бориб кўриб, чиқиб кетиладиган жой” эди. Энди эса у билим, тарих билан технология туташган маскан эканини англадим. Айниқса, биз, ёшлар учун бу жуда муҳим, чунки тенгдошларимиз ахборотни интерактив, жонли шаклда қабул қилишга ўрганиб қолган. Агар музей ҳам шу тилда гаплаша олса, у кўпроқ ташриф буюрувчини, айниқса, ёшларни ўзига тортади.

Дилрабо ТОЖИЕВА, маҳалла фаоли:

— Бугунги ёшлар кўп вақтини телефон ва интернетда ўтказди. Натижада улар ўзи билмаган ҳолда юрти тарихидан узоқлашиб қолиши мумкин. Музейга келганда эса инсон бирдангина ўтмиш билан юзлашади. Бу эса уларда масъулият ва гурур туйғусини уйғотади.

Бугун ҳам маҳалладошларимиз жуда қизиқиш билан келди, кўпчилиكنинг бу музейга биринчи ташрифи экан. Шундай ташаббуслар давом этиши керак, чунки натижа дарҳол кўринмаса-да, у ёшларнинг онгида, дунёқарашида изини қолдиради.

Луврнинг 8,7 миллионгача ташриф буюрувчиси ва Ўзбекистон музейларига беш кунда 9,5 мингга яқин меҳмон келиши бу — рақамларнинг миқёси турлича бўлса-да, моҳияти бир хил: музей инсонни ўтмиш билан боғлайдиган кўприқдир. Фарқ шундаки, Луврга ташриф кўпинча сайёҳлик табиати эга бўлса, “Музейлараро 90 кун” лойиҳаси ташаббуси тубдан бошқача бу — давлат даражасида ташкил этилган, мақсади ва тизимли равишда ёшларни, маҳалла аҳолисини, талаба ўқувчиларини ўз тарихи билан юзма-юз қилувчи тарбиявий жараёндир.

Минглаб кишиларни уч ой давомида музей ва ёдгорлик мажмуаларига олиб бориш шунчаки статистика эмас, балки бир бутун авлоднинг миллий гурури, тарихий хотира ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш учун инвестициядир. Айнан шу нуқтада Лувр билан Афросиёб, Эрмитаж билан Имом Бухорий мажмуаси бир-бирига яқинлашади. Чунки уларнинг барчаси охири-оқибат инсониятнинг тирик хотирасини келажак авлодларга етказиш вазифасини бажаради.

“Музейлараро 90 кун” — мозиёга янгича нигоҳ билан саёҳат. Янги авлоднинг ўз илди-ларига қайтиш йўлидаги муҳим қадам.

Баҳора АҲМЕДОВА,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази Ахборот хизмати раҳбари,
Шоҳиста ЮНУСАЛИЕВА,
марказ ходимаси

Пойтахтимизнинг қоқ
марказида жойлашган
Ўзбекистон тарихи давлат
музеи мозий силсиласини
ўз бағрида асраб келётган,
узок йиллик бой ўтмишга
эга бўлган ўзбек халқининг
қадим замонлардан то
шу кунгача бўлган тарихи
ва маданиятини тўлиқ
акс эттирувчи энг йирик
маърифий масканларидан
бири ҳисобланади.

Икки йиллик реконструкциядан сўнг ўз фаолиятини қайта бошлаган музей экспозициялари орқали улуг аломаларимизнинг ҳаёти, илмий фаолияти, буюк кашфиётлари ва инсоният ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан янада яқиндан танишиш имконини яратди.

Яқинда кунни оила аъзоларим ҳамроҳлигида музейга бордик. Зеро, бу мўъжаз масканга ташриф буюрган ҳар бир киши тарихимизнинг нечоғлиқ бой эканини, унинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган бекиёс ҳиссасини чуқур ҳис этади.

Музей ичида сайр қилар эканмиз, амалга оширилган реконструкция ва модернизация ишлари натижасида барча экспозициялар замонавий музейшунослик талаблари асосида тубдан янгиланганига гувоҳ бўлдик. Бу эса нафақат музейнинг ташқи кўриниши, балки унинг маънавий-маърифий аҳамиятини янада юксалтиргани билан ҳам эътиборимизни тортди.

Ҳар бир экспозиция, тарихий жараёнлар замонавий илмий ёндашувлар асосида қайта талқин этилган бўлиб, экспонатларни намоён этишда илгор ва интерактив технологиялардан самарали фойдаланилган.

Мазкур музейнинг эса ўтмиш воқеа-ҳодисаларини яхлит гоё доирасида очиб беради. Ташриф буюрувчилар қалбида тарихий тафаккурни шакллантириш, уларнинг қиммати, нодир мерос намуналари билан бевосита мулоқотини жонлантиришга хизмат қилмоқда.

Музей экспонатларини томоша қилар эканмиз, 1972 йилда Сурхондарё вилоятидаги



Далварзинтепадан топилган, умумий оғирлиги 36 килограмм бўлган безаклар ва қўйма тиллалардан иборат машҳур хазина намуналари эътиборимизни тортди. Чунки соф тўқма тиллаларни яқиндан кўришнинг гашти бутунлай ўзгача бўлар экан.

Қатгори қурбонларини олиб кетишда фойдаланилган қора рангли махсус автомобиль эса кўнглимизга бир оз ғашлик солди. Ўтмишнинг қора қуюнлари ичра кечган жадид боболаримизнинг ҳаёти кўз ўнгимизда намоён бўлгандай таассурот уйғотди.

1916 йилги мардикорликка бағишланган қўшқлар, Иккинчи жаҳон уруши йилларида

14 нафар етим болани бағрига богсан Шомаҳмудовлар оиласи ва улар ҳовлисининг макети, Хива, Бухоро ва Қўқон хонларининг портретлари каби кўплаб ноёб экспонатларни кўздан кечирар эканмиз, ҳаёлимизда ўтмиш ва бугунги ёруғ қуларнинг нури раңглари бир-бири билан қисқа муддатта туташгандай бўлди.

Экспозициянинг якуний қисмида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, мамлакат тараққиётининг замонавий босқичи ҳамда 2016-2026 йилларда амалга оширилган кенг қўламли илчил ислохотлар натижалари ўз ифодасини топган.

Музейнинг энг гаройиб қисмларидан бири кўзгули мультимедиа хонаси бўлди. Кўзгуси-мон юзалар шарофати билан пайдо бўлган тасвирлар инсонни ҳар томондан қуршаб олиб, жараёнда тўлақонли иштирок этиш ҳиссини яратади. Бу ерда Ўзбекистоннинг турли даврларига бағишланган ва бир-бирини алмаштириб турувчи визуал ҳикоялар намоиш этилади. Ҳар бир пештахтада уч тилда изоҳ берилган лавҳача бор.

Хулоса қилиб айтганда, бўлимлардаги ҳар бир ашё саёхатчиларга, юртимиз тараққиёт стратегияси доирасида давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилган

ўзгаришлар билан яқиндан танишиш имконини беради. Янгиланган экспозициялар юртимизнинг бой тарихи ва маданий меросини кенг жамоатчиликка етказиш, миллий ўзлиқни англашни мустаҳкамлаш, музейнинг илмий маърифий фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда она юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилади.

Замонавий аудио ва визуал технологияларнинг қўлланилиши эса музейни оддий томоша жойидан интерактив маърифат масканига айлантирган. Бу ерга келувчилар фақат экспонатларни кўрибгина қолмайди, балки уни ҳис этади ва тарих билан гўё бевосита мулоқотга киришади.

Ана шу жиҳат музей таъсирчанлигини бир неча баробар ошириб, ҳар бир ташриф буюрувчи қалбида унутилмас таассурот қолдиради. Назаримда, таълим тизимида ҳам бундай имкониятлардан кенг фойдаланиш лозим. Айрим тарих дарсларини ана шундай музей муҳитида ташкил этиш ёшлар учун жуда катта самара беради. Чунки инсон тафаккури китобда ўқилган маълумотдан кўра кўз билан кўрган, қалбдан ҳис этган тарихни яхши қабул қилади.

Демоқчиманки, музей муҳити келажак авлодда ўтмишга нисбатан ҳурмат, миллий меросга дахлдорлик туйғусини шакллантиради. Энг муҳими, бундай замонавий музейлар миллатнинг маънавий хотирасини сақлаш билан бирга уни янги авлод онгига чуқур сингдиришда бекиёс аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, келажакка ишонч билан қадим қўяётган жамият учун мустаҳкам маънавий пойдевор яратади.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири